

Словакия Республикасининг миллий стипендиялар дастури доирасида 2021/2022 ўқув йили учун танлов эълон қилинди.

Словакия Республикасининг миллий стипендиялар дастури доирасида 2021/2022 ўқув йили учун танлов эълон қилинди.

Стипендиялар танловида ғолиб бўлган талабалар, докторантлар ва ўқитувчилар 2021-2022 ўқув йилида Словакия олий таълим муассасаларида тахсил олиш, стажировка ўташ, тадқиқот олиб бориш ва дарс бериш имкониятини қўлга киритадилар.

Ўқиш давомийлиги ва талаблари қуйидагича:

бакалаврлар 1-2 семестр давомида стажировка ўташлари мумкин ва номзодлар камида 3 курсни битирган бўлиши керак;

магистрантлар учун 1-10 ой давомида стажировка ташкил этилади;

ўқитувчилар, илмий ходимлар ва санъат соҳаси ходимлари учун 1-10 ой давомида стажировка ташкил этилади.

Мазкур стипендиялар Словакия Республикасининг таълим, фан, тадқиқотлар ва спорт вазирлиги ҳамда Словакия академик ахборот агентлиги бюджети маблағларидан молиялаштирилади.

Стипендияга сазовор бўлганлар Словакия ҳукуматининг стипендиантлари ҳисобланади.

Онлайн ҳужжат топшириш муддати: 2021 й. 30 апрель 16.00 (СЕТ)

2021-2022 ўқув йилининг ёзги семестрида стажировка ўташ учун онлайн ҳужжат топшириш муддати: 2021 й. 31 октябрь 16.00 (СЕТ)

Дастурнинг талаблари ва шартлари билан қуйидаги хавола орқали танишиш мумкин:

<https://www.stipendia.sk/main/pravila-i-uslovia-progr-ammy/inostrannye-pretendenty>

Стипендиялар дастури тугрисидаги батафсил маълумотни иловада келтирилган инглиз ва рус тиллардаги материаллар ҳамда www.stipendia.sk ва www.scholarships.sk веб-саҳифалари орқали олиш мумкин.